

ЎЗБЕК ИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИКА БОШЛАГАН

14 СЕНТЯБРЬ 1984 № 37 (2777) ЖУМА

ЭРТАГА В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА СССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕК ИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ТАШКИЛ ТОПГАНИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАВИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ АДАБИЙ КЕЧА БУЛАДИ

ДУСТЛИК ОФТОБИНИНГ СЎНМАС ЗИЁСИ



Ўрта Осиё республикалари меҳнаткашлари ўзларининг шонли Коммунисттик партиялари ва жонажон дўстларининг муборак 60 йиллик тўйларига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу тарихий сана арафасида СССР Езувчилар союзининг 50 йиллиги ҳам тантанали нишонланмоқда.

Майрамхон Абулқосимова, «Садои шарқ» журналининг бош редактор ўринбосари Муҳиддин Хўжаев, Тожикистон «Адабиёт ва санъат» газетасининг бўлим мудири Бозор Собир, Махтумқули номидаги Туркменистон ССР Давлат мукофоти лауреати, шоир Бердиназар Худойназаров, Абай номидаги Қозоғистон ССР Давлат мукофоти лауреати, шоир Қодир Мирзаев ва бошқалар иштирок этишпти.

Қардош езувчилар бир неча кундан буён республикамиз меҳнат аҳлининг ҳаёти, турмуши билан танишмоқдалар. Чкалов номидаги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент Трактор заводи, Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент Тўқимачилик комбинати, Тошкент Темир йўлчилар саройи, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетига ўтказилган интернационал дўстлик кечаларида халқларимиз дўстлиги,



совет кишиларининг бахтсаодати тараннум этилган шеърлар янгради.

Адабиёт байрами республикамизнинг областларида ҳам давом этди. Қирғизистонлик шоир ва адиблар Самарқанд ва Бухоро, тожикистонлик меҳмонлар Фарғона ва Наманган, туркменистонлик дўстларимиз Хоразм ва ҚҚАССР, қозоғистонлик ҳамкасбларимиз, Сирдарё, Жиззах ва Наманой областларида бўлишиб, олтин қўли пахтакорлар ҳаёти билан яқиндан танишдилар, ўзларининг янги асарлари, ижодий режалари билан ўртоқлашдилар.

Адабиёт кунлари иштирокчилари, шунингдек Ўзбекистон ССР Езувчилар союзининг 17 сентябрь кунини ўйлаб-ўйлаб ўтаётган тантанали пленумида ҳам қатнашадилар.

А. Иброҳимов, Яшин ака, сўзни пахта ҳақидаги гаплардан бошлади. Сабоби, ўзининг маълумки, ҳозир юртимизда бешинчи фасл — пахта-йилғим терими мавсуми бошланганди. Пахтакорлик касби, пахтакорлик гуруҳи, пахтакорлик ташвишию қувончи қон-қонимизга, онгимизга, дөлбимизга шунчалик сингиб кетибдики, бунинг пахта ўзбек халқининг миллий ифтихори, дегани борда соддагина қилиб иродалаймиз. Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун йил бўйи пахтакорлик билан озми-кўлими бевосита ёқуд билвосита алоқадор бўлсалар-да, бироқ кўзда етти шидан етмиш билан яшайдим, шунинг ташвишини қилади, асосий нияти — пахта планини тўлдириш бўлиб қолади, шу йилда жонбозлик кўрсатади, ўзини пахта учун курашга сафарбар деб билади. Бу ҳолни ҳар қадамда ҳис эта бориш мумкин. Олтинчи сентябрь кунини эрталаб

ХАЛҚ МАТОНАТИ, СЎЗ ШАРОФАТИ

Комил ЯШИН, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ езувчиси, республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Комил Яшин кўпмиллатли совет адабиётининг атоқли вакилларидан бири, Совет Шарқи театр киносценарийчи ва либретто навис, кўзга кўринган жамоат арбоби. У умумсовет ва ўзбек адабий ҳаракатчилигида, Осиё ва Африка мамлакатлари езувчилари анъанавий Тошкент конференцияларининг фаол ташкилотчилари ва иштирокчиларидан бири сифатида ҳам улкан нуфуз қозонган. Махшур адиб СССР Езувчилар союзи ва Ўзбекистон ССР Езувчилар союзининг тузилиши, кучга тўлиши ва қизгин фаолият кўрсатишида 50 йил мобайнида узлуксиз камарбаста бўлиб келган. Ўзбекистон ташкилотининг қўлуғи ярим асрлик юбилейи Бутуниттифоқнинг, қолаверса бутун жаҳон тараққиётлар адабиёт аҳли томонидан қизгин нишонланган шу улғу айёмда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси тоширига кўра драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов муҳтарам адабиятши Комил Яшин билан суҳбатлашди.

одиллик ва ҳалолликни, тўғрилик ва ростўйликни, камтарлик ва меҳнаткашликни еттир экан, фирромлик, кўзбўямачилик, мақтанчоқлик, ёлғончилик оппоқ пахтанин оқ қалбига ёт экан.

А. И. Демай, бу йилги улкан «ок олтин» хирмони учун кураш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини турмушга татбиқ этиш билан қўшиб олиб борилади.

К. Я. Шундай. Республика-миз, Компартияимизнинг шонли олтинчи йиллик юбилейи нишонланганидан бу йилда Ўзбекистон меҳнаткашлари яна бир бор катта имтиҳондан ўтадилар. Бу курашда адабиёт ва санъат аҳли ҳам олдинги сафда бўлади. Бу бир табиий ҳол. Умумсовет адабиёт тарихига назар солсак ҳам, Ўзбек совет адабиёти тарихини варақласак ҳам, совет адиблари ҳаммавақт халқ ҳаётига ҳамнафас қалам тебратишганига, Коммунистик партия йўлини тарғиб қилиб ва бадиий иродалаб келишганига шохид бўламиз.

Бу фахрли бизга улғу пролетар адиби Алексей Максимович Горькийдан меросдир. Ўзбек совет адабиётида эса устозим Ҳамза ва унинг сафдошлари Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Сўфизода, Садриддин Айний халқ турмушига ҳамнафас бўлишликни, бирор қорига ярайдиган асарлар яратишни бошлаб беришди.

А. И. Яшин ака, устозимиз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаммавзунинг мангу устозимиз, союзимизнинг доимий фахрий раҳбари, деб атаганимиз. Негаки, устоз Ҳамзанинг оташин асарлари, курашлари тўла интиқимий фаолияти бизлар учун ҳаммаиз ибрат бўлиб қола беради.

Давоми ўчинчи бетда

қирғийк ёлғирини тушди. Мактаб ўқувчисидан тортиб давлат арбобигача, пахта терим машинасини ўзинган олим ишчидан тортиб механизаторгача, пенсионер бобо ва момоларимиздан тортиб чевар теримчи опа-сингилларимизгача — ҳамма-ҳамма бу йилги пахта ҳосили ҳақида ўйга толди. Бунинг доирига элмаси ўзбек характерининг умуммуштарак белгиларидан бири, дегим келади.

К. Яшин. Тўғри гатни айтдингиз. Пахта — ризқ-рўзимиз, шараф-шонимиз, умум совет дастурхонига кўядиган асосий ва залворли неъматларимиздан бири. Мен СССРнинг пахта мустақиллиги учун кураш йилларини, бир миллион тонна «ок олтин» учун курашининг шохиди ва бир қалам соҳиб сифатида иштирокчи бўлганман. Ана ўшанда композитор Тўхтасин Жалилов билан бирга «Офтобхон» деган музыкали драмани ёзганман. Узининг чоракам бири асрлик умрим давомида шуни аниқ ҳис қилдимки, пахта ва пахтакорлик поклик,

Назир САФАРОВ, Ўзбекистон ССР халқ езувчиси

КЕЧАГИДЕК ЁДИМДА



Уттиз иккинчи йилнинг апрель ойидаги воқеалар кунини кечагидек эсимда. ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий ташкилотлари қайта қуриш ҳақида» 23 апрелда чиқарган қарори маданий ҳаётимизда муҳим янглиғи бўлди. Қарор адабиёт соҳасидagi намчиликларни чуқур таҳлил қилиб берди, барча совет езувчиларини ягона ижодий союзга бирлаштиришга даъват этди.

Шундай бир вазиятда совет езувчиларининг Бутуниттифоқ I съезди иш бошланди. Ўзбекистондан сайланган делегатлар — Раҳмат Манкидий, Ғайратий, Ғафур Ғулום, Зиё Саид, Садриддин Айний, Собира Холдирова, Ҳасан Пулат, Хусайн Шамс, Умаржон Исмоилов сафида съезде иштирок этиганимиз, улғу адиб Горькийнинг сермазун докладыни эшитганим билан фахрланаман.

Бу тарихий анжуман тарқоқ адабий оқимларни ягона ташкилотга — бирлаштирибгина қолмай, миллий адабиётларининг гурираб ривожланишига кенг йўл очиб берди. Съездеда барча қардош халқлар адиблари зиммасига бир вазифа — социалистик реализм методига асосланган маданият, партиявий ва халқчил адабиёт яратиш юклатилди. Бу йўлнинг нақадар тўғри ва истиқболли эканлигини ўзбек адабиётининг бугунги камолоти кўрсатиб турибди.

Бинобарин, адабиётимизнинг ўрта ва ёш бўғинига мансуб шоир ва носирларимиз устод адиблар анъаналарини давом эттириб, социалистик реализм байрогини янда баланд кўтардилар. деб айтиш учун барча асосларга эгамиз.

Бутинга эмас, уюшма фаолиятида адабиётга дадил кириб келган ёш талантлар



Тантана қатнашчилари — С. Иманасов, Қ. Мирзаев (Қозоғистон), А. Қурбоналиев (Туркменистон), Л. Никитина (Ўзбекистон), А. Шамкенов (Қозоғистон), Д. Абдухаликов (Қирғизистон).

ЯНГРАЙВЕР, ФЕСТИВАЛЬ САДОЛАРИ

Шу кунларда серкўш ўлкамиз бўйлаб «Тошкентнинг олтин кўзи» III Бутуниттифоқ санъат фестивалининг садолари аж пардада янграмоқда. Анъанавий санъат байрамнинг навбатдагиси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилмоқда. Шу кунларда фестиваль қатнашчилари республика мизнинг турли област ва шаҳарларида ўз санъатларини намойиш этмоқдалар. Шунингдек, улар билан ялғор пахтакорлар, ишчилар ва чорвадорлар ҳузурда бўлаётган ижодий узрапувлар қизғин ўтмоқда.

Қуйида муҳбиримизнинг фестивалда қатнашаётган ансамблларнинг бадиий раҳбарлари ва таниқли санъаткорлари билан бўлган суҳбатидан баъзиларининг эътиборингизга ҳавола этгимиз.

Вячеслав МОЧАЛОВ, Сибирь Давлат рус халқ хорининг бадиий раҳбари ва бош дирижери: — Қўпгина санъат мухлисларини хоримиз тарихи қизиқтиради керак. Икки оғиз шу ҳақда сўзлаб берсам, Сибирь Давлат рус халқ

хори Буюк ғалабамиз тендоши. 1945 йил 9 майда тузилган. Унинг биринчи раҳбари ва ташкилотчиси — таниқли фольклорчи ва ўлкашунос Николай Карольков. Хор репертуаридан асосан Сибирь халқлари фольклори ва қўшиқлари ўрин олган. Халқ озаки ижоди-



ни тўплаш, уни янада сайқаллаштириш, оҳанг ва жониваларини бойитиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Бу бир қарашда оддийгина бўлиб туюлса-да, бироқ анча мураккаб иш. Чунки халқ яратган оҳанглар ноталарга ёзилмаган. Уларни нотага тушириб ҳам бўлмайдим. Фақат юксак маҳорат билан, халқ куйлагандай жўшиб куйлаш керак. Шундангина у тингловчи қалбига етиб боради. Ўз-ўзидан маълумки, тингловчи қалбини забт этиш осон эмас.

Давоми еттинчи бетда



Қозоғистондаги «Орай» ансамблининг бадиий раҳбари Тошқин Оканов, хонанда Роза Римбоева, ўзбек хонандаси Юнус Тўраев.

ЎЗБЕК ИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика музыка санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан композитор, «Ўзбеконцерт» республика гастроль концерти биланшамининг директори ўртоқ Энмарк Шокирович Солмақовга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берди.

«ЎЗБЕК ИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ» ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ПАХТАКОР ВА ҲАШАРЧИ: ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ»

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йил 20 июль сонида эълон қилинган «Пахтакор ва ҳашарчи: қарс икки қўлдан чиқади» сарлавҳали давра суҳбати министрида муҳокама қилинди. Дарҳақиқат, қишлоқ меҳнаткашлари ва ҳашарчи-

лонлари ва ётоқхоналар аниқ план ва лойиҳалар асосида қурилмағи керак. Ана шундай лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни планга киритиш билан эса энг аввал Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг шуғулланиши лозим, деб биламиз.

Н. ХОДИРЕВ, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиш ва коммунал ишлари министрининг ўринбосари

«ИНСОН ХОТИРАСИ»

Езувчи Уттир Ҳошимовнинг газетамизнинг шу йил 16 март сонида эълон қилинган «Инсон хотираси» сарлавҳали мақолаида марлар хотирасини эъзоз-

«ДАРАХТГА ПАРВАРИ КЕРАК»

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йил 3 август сонида бошланган «Дарахтга парварши керак» сарлавҳали танқидий мақола халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободончилик Бош бошқармасида кўриб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, мақолада тилга олинган танқидий фикрларда жон бор.

Маасур камчиликларини бартараф этиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозир «Ўзбекистон ССР 50 йиллик» проспектининг газетасида танқид қилинган участкаларида насослар резонт қилинди ва дарахтлар сугорилмоқда. Киров район ободончилик бошқармаси ходимлари ана шу зонада ўтларни ўриш, дарахтларни парварши қилиш ишларини ааж оддириб юбордилар.

Ш. ИСЛОМОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободончилик Бош бошқармасининг бошлиғи

ҚУТЛАЙМИЗ!

БОРИС ПАРМУЗИН 60 ЁШДА

Хурматли Борис Сергеевич! Ўзбекистон ССР Ўзвучилар союзи правлениеси секретариати, республика адабий жамоатчилиги ташкил шайр ва Ўзвучи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси — Сизни таваллудингизнинг олтинчи йиллиги билан қизғин қутлайди.

«Сени севги чорлайди», «Этироф» номида шеърлар тўпламинингиз ўқувчилар қалбидан мустахкам ўрин олди.

Биз Сизни истеъдодли таржмон сифатида ҳам қадрлаймиз. Сиз ўзбек ва қорақалпоқ Ўзвучиларнинг йиғирмага яқин китобларини, шу жумладан, Ўйбекнинг «Куёш қораймас» романи ва «Нур қидириб» қиссасини, Иброҳим Раҳимнинг «Фидойилар» романи, Саъдулла Кароматов, Мумтоз Мухамедов, Уткир Ҳошимов ва бошқаларнинг қиссаларини рус тилига ўтирганисиз.



Сизнинг ёш авлоднинг ҳар бири ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ижодий ва жамоатчилик ишларининг ҳам диққатга сазовор. «Чегарадан саксон километр», «Полк тревогага кўтарилади», «Безовта саҳро», «Шарқ осмонининг ранги», «Солдатлар», «Довон ортида баҳор», «Бегона шамоллар қаҳри» каби ҳозирги замон Совет Армияси, чекистлар жасорати ҳақидаги китобларинингиз кенг китобхонларнинг меҳрини қозонган. Уларнинг кўпчилиги Москвада чоп этилган, ўзбек, қозоқ, туркман, озарбойжон ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилинган.

Газетанинг шу йил 31 август сонида босилган «Ўзад турмуш учун» давра суҳбатига кўтарилган долзарб масалалар газетхонларимизда кучли қизиқиш уйғотмоқда. Улар совет кишининг турмуш маданияти қандай бўлиши кераклиги устида ўз таъкид ва истакларини баён қилиб хатлар ёзмоқдалар.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1983 йил 12 октябрь сонида «Тўйлар муборак» сарлаҳали фельетон босилгани бир неча кун булганда сўр ўзбекистон ССР халқ шоири Шукрулло рус учратиб қолдим.

«Фельетон жуда яхши чиқибди. Қани энди, шу бахонада тўйларимиз бироз тартибга тушу», — деди муҳтарам шоир бироз маъзунлик билан.

Дарҳақиқат, фельетонга сизмаган фикрлар, гаплар кўп эди. Гапларни, бир ени икки оғизда ўтадиган тўйларнинг натта иктомий муаммолар билан боғлиқлиги хусусида булганлиги учун ҳам бу масалага яна қайтишчи лозим топдим.

Маълумки, область, шаҳар, район партия комитетлари агитация ва пропаганда бўлишларининг олдидаги энг ақвал, энг долзарб вазифа меҳнатчиларнинг коммунист руҳида тарбиялашдир.

Уларни янама-яна фаровонлиги йўлида фидокорона ишлайдиган, ортинча тантанабозликларга берилмай қамтар, ҳалол ишайдиган, ўз билим-малакасини, маданиятини ошириш борасида қайғурдиган кишилар этиб тарбиялаш партиянинг бироз дақиқа ҳам назаридан четда қолган йўқ! КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко «Янги дунё қирғиш» — янги дунё кишининг камол топтириш ҳақида, уни голвий-ахлоқий жиҳатдан ўстириш тўғрисида тинимсиз гапхўрлик қилиш демокдир», — деб бу масалага янада натта аҳамият бериш лозимлигини ўқитиб ўтди.

Меҳнатқилар ишаб, меҳнат қилаётган муҳит қандайлигини, улар бунда вақтларини қандай ўтказётганликларини, оила бюджетининг нимага сарф қилаётганликларини, бугунги кундаги дунёқарашларини билмай туриб, тарбия соҳасида бирор самарага эришиб бўладими? Умуман, бу гапларнинг бир ени икки оғизда ўтиб кетадиган тўйга нима алоқаси бор?

Гап шундаки, тўй қилмоқчи бўлган оила оила, йиллаб тўйга тайёргарлик қурди, қанчалар-қанча бунда вақтини сарфлаб йиғинди, оила бюджетининг қанча қисмини шу бир-икки кунлик тўйга сарф қилди!

Тўйнинг ортинча тантанабозликлар, озин-иқватларнинг исрофгарчилиги, отарчиларнинг маза-бемаза қўшиқлари, раққосларнинг беҳаё рақслари, пул қистиришлар, ҳаддан зиёд ичган маст-аласт кишиларнинг алжирашлари, радиокорнайларнинг қулоқларни қоматга келтириб варангашлари... Нақадар киши қўнглини хира қилдирган манзаралар!

Бундай тўйда иштирок этадиган аксари ёшларнинг исрофгарчилиги, ахлоқ-сиёзликка, ичкиликбозликка, беҳуда тантанабозликка ўрганишларига ким нафиллик бера олади? Ўзвучи Хайриддин Султонов ўзининг замонавий мавзудаги «Бир оқшом эртаги» ҳикоясида қалби басир бўлиб қолаётган баъзи ёшлар ҳақида чуқур қайғуриш билан тасвирлайди. Демак, бу шунчаки ўткнчи масала бўлмай, балки юқумли яллат эканлиги бугун яққол кўзга ташланиб қолди.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Ортинча дабдабозлик билан ўтадиган тўйлардаги яшиқ-яшиқ ароқларга, озин-иқватга, энг ичида узатиладиган қилинга (ҳали ҳам қалин олинаётгани кўпчиликка сир эмас), отарчилар билан тузиладиган шартномага, ниқоҳ қайд этилганини ишонлашга, тўй кунини артистларнинг чаккасига қистиришларга озмунча пул керак бўладими? Сендан мен камми қабилдаги харажатлар тўй эгасини — агар у ҳалол ишлайдиган оддий меҳнатқил бўлса — «қўшимча даромад» излашга мажбур қилмайдими? «Қўшимча даромад» шахсий ҳужжалини ривожлантириш ёки бошқа бир ҳалол меҳнат эвазига топила-ку яхши! Бироқ, бу «қўшимча даромад» давлат ёки халқ мулкига хиёнат оққасидан келган бўлса-чи! Қўнғир ишлар туфайли чўнтагига «қўшимча даромад» оқиб кирадиганларга ҳар қанақа тўй ҳам оғирлик қилмайди! Оддий меҳнатқил эса «эл қатори» иш тутаман, деб қарзга ботади. Йўқ деганда икки-уч йил бутун оила аъзолари қийналишади!

Ҳўш, бундай ортинча харажат, дабдаба билан ўтаётган тўйларни масъул ҳодимлар кўрмайдиларми, эшитмайдиларми? Йўқ, ҳаммасидан хабарлари бор! Ачинарлиси шундаки, уларнинг айримлари бунга доим

ришларга озмунча пул керак бўладими? Сендан мен камми қабилдаги харажатлар тўй эгасини — агар у ҳалол ишлайдиган оддий меҳнатқил бўлса — «қўшимча даромад» излашга мажбур қилмайдими? «Қўшимча даромад» шахсий ҳужжалини ривожлантириш ёки бошқа бир ҳалол меҳнат эвазига топила-ку яхши! Бироқ, бу «қўшимча даромад» давлат ёки халқ мулкига хиёнат оққасидан келган бўлса-чи! Қўнғир ишлар туфайли чўнтагига «қўшимча даромад» оқиб кирадиганларга ҳар қанақа тўй ҳам оғирлик қилмайди! Оддий меҳнатқил эса «эл қатори» иш тутаман, деб қарзга ботади. Йўқ деганда икки-уч йил бутун оила аъзолари қийналишади!

Ҳўш, бундай ортинча харажат, дабдаба билан ўтаётган тўйларни масъул ҳодимлар кўрмайдиларми, эшитмайдиларми? Йўқ, ҳаммасидан хабарлари бор! Ачинарлиси шундаки, уларнинг айримлари бунга доим

нон синадиршдан тортиб, тўйгача ўтадиган қатор маросимлар қисқартирила бошланди. Лекин, бу ҳали қониқарли эмас. Ниқоҳ тўйидиган ортинча маросимлар йўқотилиб, тўйни бир кунда ўтказилса қандай яхши! Биз фельетонда Жинзаҳ шаҳар Совети ижроия комитетининг тўй ўтказиш вақти ҳақидаги қарори баён қилган эдик. Вақти... Меҳнатқилнинг бундай вақти... Бу ҳам бир бойлик эмасми? Коммунистик партия халқимизга тобора кўпроқ бундай вақт қолдириш ва ундан унумли фойдаланиш тарафдори. Токи, меҳнатқил бундай вақтида соғлигини мустаҳкамласин, ўз устида ишласин, китоб ўқиб маданиятини оширсин, жамоат ишларида фаол иштирок этсин!

Ҳамма тўйлар ҳам шанба, яқшанба кунлари ўтавермайдми, бундай вақтга ҳоса чўзилган тўй кишиларга ёмон таъсир қилади. Ноўрин чўзилган тўйнинг ишлаб чиқаришга ҳам таъсирини айтмайми?

Ишқ-ишқлаб ароқ сотиб олиб, пудаб ош дамлаб, номдор артистларни «ёллаб» тўй қилдиган одамларнинг уйдан бат-зан ўқийдиган бирорта китоб топа олмагани ачинарли ҳол эмасми? Қундалик турмуш учун керакли буюмларнинг, мебликаларнинг йўқлиги-чи!

Дабдабали тўйлар қилиш, ортинча харажат, исрофгарчилик, оваргарчилик ўрнига оддийгина, ширингина тўй ўтказиб, оила турмуш маданиятини яхшилаш, бола-ларнинг тарбияси билан шуғулланиш, адабий ўрганишга нур устига нур эмасми? Биз тўй масаласига «ёпишиб» олганимизнинг асосий сабаби ҳам шундан-дир!

Баъза ўртоқлар тўйларнинг дабдабали бўлишини ўзбек халқининг урф-одатларига боғлайдилар. Бу мулақот нотўғри гап! Ўзбек халқининг урф-одатларида ҳеч қачон ортинчаликка, исрофгарчиликка, оваргарчиликка интилиш йўқи! Қайта, оддийликка, намояналикка, қамқаратликка интилиш бор! Бунинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бўлиб ўтган давра суҳбат иштирокчилари ҳам таъкидлаб ўтидилар.

Тўйлардаги бу каби иллатларнинг, тўй қилиб ном чиқармоқчи бўлганларнинг «мен сендан камми» қабилда иш тутаетганларнинг босар-тусарини билмай қолганларидан келиб чиққан «ташвиш»лардир!

Кези келганда тўйларга маданий хизмат кўрсатиш масаласини ҳам айтиш лозим. Област, район маданият бошқармалари, завод, фабрикалар, ҳўжаликларда қандайдиган хавасорлик коллективлари бугунги кунда тўйларга маданий хизмат кўрсатишлари мумкин. Бироқ, ҳозирча улар гашабусини ўз қўларига ололганлари йўқ. Оқибатда, тўйларда отарчилар тўдаси ҳўкунор. Отарчи бор ерда эса «қистир-қистирлар» авжида. Қизинг шундаки, номини чиққан айрим санъаткорларимиз ҳам чаккаларига ўнтални, бештални қистиришга ҳўзуур қилиб кўларини юмиб турадилар. Масаланинг бу томонидан қараганда ана шу «қистир-қистирлар» санъатимиз, маданиятимиз тараққийга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда! Бундай дабдабали тўйлар Форинг, Зомин, Арнасой ва бошқа районларда ҳам давом этиб келляпти. Уларни шу ишига алоқадор масъул ҳодимлар кўриб кўрмасликка, битиб билмасликка олмақдалар! Тўй ҳақида радио, телевидение, газеталарда айтилган фикрлар ҳавога кетиб, самара бермаётганини сабаби ҳам шундай! Партия, совет, ҳўжалик раҳбарлари, қиллоқ ва маҳалла комитетлари масалани фаол аралашларидан тўйлардаги ортинчаликлар йўқолади. Бунда улар суналдиган натта кич коммунистлар, активлар, халқ оқосқоллари, депутатлар, уруш ва меҳнат ветеранлари бор! Фақат ташаббускорлик, эътиқод, наътият, жонкуярлик керак, холос!

Туробжон МАҚСУДОВ

ФЕЛЬЕТОНГА СИҒМАГАН ФИКРЛАР

БОРИС ПАРМУЗИН

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

ТОҒЛАР

АНДИЖОНДАН Ўшгача янги танишим — хороғлик ветеринар билан кўз очиб юмгунча этиб бордик. Суҳбат билан бўлиб манзилга қандай этиб келганимизни сезмай қолдик. Биз тушган машина бог ва далалар орабала учиб борди. Мен ҳамроҳимнинг кўриб келаятгани — медицина институтида ўқийдиган ўғли ҳақидаги ҳикоясини тинглаб борардим.

Кейинги кун эрталаб улкан машиналар олдида учрадик. Ҳайдовчи бизга, тўғироти, менга синовчан назар билан тикилди.

— Хороғга сиз бормоқчимисиз? Унинг гап оҳангиде танилган маршрутга боришдан аввал яқинлаб ўйлаб кўриш керак, деган матно ётарди. Биз бо иргидик: худди ўша ёққа.

— Брезент остида, — эслатди Ҳайдовчи. — Юмшққ ўриндиқлар йўқ. Тоққа салқин тушган.

Шундай қилиб биз — саҳройи Сангин Файзиев тоғликларга брезент ёпинчик тагидаги тоғликларга зарур буюмлар енига чиқиб олдик.

Брезентни хивл суриб, бўйчан дарахтларга қарадик. Чор-атрофини кузатиш менга мароқ бағишларди. Хусусан, йўл ёқасидаги тош деворга, бу йўлларда йўловчи кинириндаги ёшда омонат, дея битилган ёзувини ўз кўзим билан ўқиб кўришни жуда-жуда истардим.

Моторлар шовқини мусаввоқ сукунатни парчаллаб, ююрига — тоққа кўтариларди. Яйраб юрган сурув бунга ларво қилмасди. Чўпон бўлса фақат қўлларини танишлардек силкитди ва трансистор устига эглиб, керакли тўлқинни изла бошлады.

Бу ерда ҳар бир одамнинг ўз зарур ўрни, вазифаси бор. Ҳозир Помирда врачлару агрономларни, ипакчилик, тамакичилик, богдорчилик бўйича мухтассисларни учратиб мумкин.

Тоғда Хорғ қўнғиди. У гўе бизга қараб юриб келарди. Меваларини эҳтиёт қилиб тутган дарахтларнинг шохлари пастак девордан ўрмалаб, осилиб ётарди.

Чоғроқ шаҳар кўчаларида қариндош ё танишларни учратиб одатий ҳол. Фай.

— Бу ерда ҳамма участкалар муҳим. — дея суҳбатга яқун ясади Карим. — дея суҳбатга яқун ясади Карим. — дея суҳбатга яқун ясади Карим. — дея суҳбатга яқун ясади Карим. — дея суҳбатга яқун ясади Карим.

ОҚҚУШЛАР

ИТ ҚУДУҚ ёнида мудраб ётарди. Яқиндагина у, икки ўтовдан иборат қишлоқ — Қизилча бобо тинчлини кўришларди. Қўшпақ авваллари бутунлай нотаниш, ноён кишиларга ҳелланиб кўрди. Кейин чарчади, кўнғиди — келувчилар жуда кўп, ҳаммаси ҳам ўзларини эркин тутишарди.

— Бу ном ҳеч бир харитада йўқ, — деб қолди Тошкент экскаватор заводи-нинг вакили Карим Йўлдошев.

Қорақум канали трассасига унинг иккинчи бор келиши эди. Биз у билан Мари меҳмонхонасида танишиб қолдик. Карим дамба-дам аччиқ чой ҳўшлаб, тун бўйи саҳродаги улкан қурилиш ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Келгуси йили биринчи навбати тошқинлади. Ер ишларини тасаввур қиласизми? Эллик икки миллион кубометр. Бетон ва темирбетон ишлари етмиш миң кубометрдан зиёд. Трассанинг ҳамма ерида — бизнинг экскаваторлар.

Унга чой таъми ёқмади шекилли, ўзича гудраниб қўйди-да, тўсатдан эслай кетди.

— Отам Катта Фарғона канали қурилишида қатнашган. Ўзингиз ўйлаган, кетмон билан ишлаган. Мен ҳам, дарҳақиқат, сепёрлар напчаси билан анча ерни агдариб чиқдим. Белоруссияда ҳам оқоплар, хандаклар қазидим, Польшада ҳам. Энди менинг тулпорларим ҳўжум қилапти...

Каримнинг ишлари кўп. Тошкентдан эҳтиёт қисмлар жўнатилади. У эса асосий участкаларда бирон-бир экскаватор тўхтаб қолмасин, деб куюнади. Эҳтиёт қисмлар ўз эгасига етиши керак.

— Бу ерда ҳамма участкалар муҳим. — дея суҳбатга яқун ясади Карим. — дея суҳбатга яқун ясади Карим. — дея суҳбатга яқун ясади Карим. — дея суҳбатга яқун ясади Карим.

— Барибери. Кетдик... Яқинларгача поездлар Заҳмат станциясида тўхтамас эди. Кейин бир минут тўхтайдиган бўлишди. Сўнграқ — ўн минут.

Амударёнинг ўнг қирғоғида, юк тушириш базасида Карим Йўлдошев ўзича зарур кўни қидириб кетди.

Қизилча бобо қишлоғига етганимизда шу пайтача менга жиддий ва андак тунд кўринган Каримнинг чекраси ёришди. У менга маъноли кўз қисди.


— Ҳозир кўрсатаман... Ўтовлар ортда, тик, ўркак-ўркак барханларнинг шундоқ рўпарасида, тикнабли буталар қаторида нозик ниҳолчалар ўсиб ётарди.

— Февралда олиб келувдим. Олга! Яна қанақа денг! Чамаси ниҳолларни эҳтиёткорлик билан парварниллаб туришган. Баҳор шамолларига дош берган бу жанжи ниҳоллар эндиликда Қорақум ёнини кечиринчи керак эди...

Мен бир неча йилдан сўнг, 1963 йилда 283-километрда зангор қирғоқлар бўйлаб катерда кета туриб, уларни кўрган бўлсам ажаб эмас — Меъоблардан бири — туржман шоири Ота Отажонов шўх ва таланд овозда ўз шеърларини ўқиди:

Барханларда тоғ чўғланайди, бир йил, у аср аввалги каби. Саҳрода сафоди — қумлар устида қонқотлар товуши: оққушлар учар... Қушлар сувга бир шўнғиб олиб, қирғоқ яқинидаги дарахтлар, далалар ортига гойиб бўлишарди...

Карим БАҲРНЕВ таржмачи



Ҳабибулло САИД ҒАНИ

МУСАВВИР

Дунёда шунчалар ранглар борлигини ўйлаб ҳам кўрмабман на шом, на саҳар.

НИКОЛАЙ МУАЛЛИМ

Журналист-шоир Н. А. Лукашовга Олмос қишлоқда Николай муаллимни Танимаган кимса йўқ. Минг тўққиз юз қирқ бирнинг Айни мезонда Ризвон кампининг ҳовлиси тўла одам. Биров ош олиб келди, Биров қатлама; Николай муаллимни урушга кузатиш Тўй бўлиб кетди чоғи Минг тўққиз юз қирқ бирнинг Айни мезонда... Ризвон кампир Бир кулиб, Бир йнглаб,

Нон кўтариб келди Николай муаллимнинг қошига: — Болам шу нонни тишлаб бер, Қайтганинда ейсан қолганини, — деб Унсиз йнглаб Минг тўққиз юз қирқ бирнинг Айни мезонда, Маърақанинг сўнгига, Қишлоқнинг мўйсифиди дуо қилди узоқ. Ҳамма жим. Ташвишан юзларга тортилни фотиха. Ниҳоят, йил Минг тўққиз юз қирқ беш бўлди... Айни мезонда, Чошгоҳ пайти,

Қишлоғига кириб келди Николай муаллим. Ризвон кампир гандирақлаб, Минг тўққиз юз қирқ бирнинг Тишланган нони билан Қаршисига чопди Николай муаллимнинг! Етар чоғи, Мункиб кетибми, Қулади Николай муаллимнинг қўлига. Тошдек қотиб кетган нонни тишлаб Бир куларди, Бир йнғларди. Бир куларди, Бир йнғларди, Минг тўққиз юз қирқ бешнинг Айни мезонда Олмос қишлоқнинг Николай муаллими...

ЎТТИЗДАН КЕЙИНГИ МУҲАББАТ

Севгим! Кеч қузда адашиб очилган гулсиз, Эрта қор остида маъво, нур, наҳр. Осмон тепангизда ҳисиз, гулусиз, Боласиз бешикдек совуган бағр. Сизни Юракнинг тубида асраб келгандим, Кўрмасин дегандим кўзи оғирлар. Менинг шодликларим-менинг дардларим Баргларни тўкарди зафарон боғлар.

Само ютиб борар заминни мутлақ, Қабарик ойнадан иборат осмон. Бизни тутиб турар бўшлиқда фақат Кеч қузда очилган сеvgи — гулсимон. Севгим, Эрта совуқ келар тутиб яроғлар, Сиз эса адашиб очилган гулсиз. Энди лабингизда эримас қорлар, Этар кўзингизда юлдузлар сўлиб...

Само ютиб борар заминни мутлақ, Қабарик ойнадан иборат осмон. Бизни тутиб турар бўшлиқда фақат Кеч қузда очилган сеvgи — гулсимон. Севгим, Эрта совуқ келар тутиб яроғлар, Сиз эса адашиб очилган гулсиз. Энди лабингизда эримас қорлар, Этар кўзингизда юлдузлар сўлиб...



—Мана сенга олам-олам гул... С. МАҲҚАМОВ

ФРОНТ ЙЎЛЛАРИДА

«Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети секретари ўртоқ Усмон Юсуповга Халқ Комиссарлари Совети Раиси ўртоқ Абдурахмоновга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Охунбоевга Санъат бошқармаси бошлиғи ўртоқ Валиевага



1942 йил ноябрь Харақатдаги армия Шимолий-ғарбий фронтнинг авиация қўшнмалари шахсий состави номидан Ўзбекистоннинг энг яхши санъат усталаридан иборат Ўзбек фронт концерт бригадаси шахсий составга маданий хизмат кўрсатилгани учун Сизларга Қизил Армиянинг жанговар раҳматномасини йўллагандимиз. Ваниларнинг концерт таърифидан авиациянинг маърузи шуларки: «Сизларнинг концерт бригадаси маърузасидаги хизматкорлар бостириб кирган маъруза душмани тереқ тор-юр келтиришга янада кўпроқ аҳддорлардир. Артистларнинг таърифидан Сизларнинг Иттифоқи ҳақларининг дўстлиги янада мустаҳкамланаётганлигини, уларнинг ВКП(б) тевариғида маҳкам жинс-лашганлигини билдирди. Сизларни ишонтираманки, Совет туپроғининг гитлер фашизмидан тереқ тозалаган ушун бутун куч-гайратининг сафарбар қиламиз. Шахсий составнинг тошириғига кура: Полковник **ТОКАРЕВ** Совет Иттифоқи Қаҳрамони, батальон старший комиссари **ТАРНИК ОРЛОВ»**

ЖАНГОВАР қуролларнинг стови гипофонланган, ҳарбий техника брезент билан авайлаб ёпишган. Москва мудофаси зонаси жангчилари ҳали тонг отмай туриб, оқо ва блинджларни тарқ этишди, эшелонга жойлашиб олишди-да, Шимолий-ғарбий фронт томон жадал илгариларда кетишди. Ҳадемай кўк узра солдат қўшқлари парвоз қила бошладилар. Пулат ёлдирақларнинг «тарки-туруки»га, жўр бўлган кўтаринки руҳдаги бу қўшқларга ўзбек хотин қизларини — фронт ансамбли иштирокчиларининг ҳам овози алоҳида акривил турди.

Биз фронтга борамиз, ушун-ушун, раталла, Душманларни қираяла. Бир бошга минг бош олиб, уву-уву, раталла, Ҳар кун горат оламиз... Шор Курбон ота қалам-бига мансуб «Биз фронтга борамиз» шеърини олинган юрдидаги минерал Москва остоналарида тарихий габулдан қўлга киритган жангчиларнинг кайфиятига мос эди. Артистлар ҳарбий эшелон маршрути бўйлаб кетар эканлар, ҳатто энг қисқа мuddатли имкониётлардан ҳам фойдаланиб, шаҳарларда, темир йўл станцияларида, аҳоли яшайдиган пунктларда концертлар қўйиб беришарди. Ансамбль артистлари 1942 йилнинг 18 сентябрь кунини Шимолий-ғарбий фронтнинг Бологое станицисига келиб тушди. Бологое... Бу концерт бригадасининг маъруза фронтга маданий хизмат қўригани лозим бўлган дастлабки пунктларидан эди.

Оқшом қўюлиб келмоқда. Жанг жадалларга ҳали ўрганилмаган қўшма қизларнинг қўюлиги отиналардан том тибиб қолган. Ҳамма ёқда шифатсиз жанг асортлари: кунпаякун бўлиб ётган иморатлару дов-дахлар. Ҳавода куйинди ҳиди ҳукмон. Фронт-концерт бригадасини қабул қилиб олган капитан ўзбек санъаткорларини омон сақ-

ри-самопали» ҳазил қўшигини қўйлаганида, гурра кули кўтарилди. Кейин эса... қўшиқ рақса улашиб кетди. Қарасан, қийинчи янгради. Бу — қўшиқ Ўзбекистоннинг санъаткорлари учун бебаҳо мукофот эди. Улуғ Ватан урушининг ўн икки фронтида 1200 марта концерт қўйиб берган ва 800 та сийсий сўхбат ўтказган ўзбек хотин-қизлари фронт-концерт бригадасининг жанговар йўли ана шундай қаҳрамонлик саҳифаларига бойдир. Бригада аҳли 1942 йилнинг августидан 1945 йилнинг май ойигача бўлган давр мобайнида «Жангтоҳларда бизнинг қўшиқ ва рақсларимиз керакми ёки йўқми?» деб бошқа бирор марта ҳам иккинланди. Чунки ўзбек халқи вакиллари ўз санъатлари фронт учун сув билан ҳавадек зарур эканлигини яхши тушунардилар.

— Биздан шундай бўларди, — деб эслади Ўзбекистон ССР халқ артисти, солиқ фронт-концерт бригадаси раҳбари Гаҳвар Раҳимов, — жангчиларга концерт қўйиб беришимиз керак. Клуб эса душман қўлида. Бир гал сайёсонда концерт қўйиб беришга тўғри келди. Албатта, концерт бошланганидан олдин у ерни яхшилаб тозалаб, бийойдек тартибга келтиридик. Эсимда, ўшанда жангчилар концертдан чиқиб, тўғри жангга жўнаб кетган эдилар. Юннимизни гаровга қўйиб ҳам қийинлар қилганми. Неча-неча марта қўшнинг у юздан бу юзига эмаллаб, битта-биттадан ўтишимизга тўғри келган. Қўшнинг юк вагони, темир йўл платформаси, паңгауз саҳна вазиносини ўтарди. Демонстрация, оловли маршалларда фашистларга қарши курашаётган Совет Армияси жангчиларига оқолларда, блиндажларда, госпиталларда концертлар кўрсатиб, сийсий сўхбатлар ўтказиб, уларни матонат билан жанг қилишга руҳлантирдик.

Улуғ Ватан уруши фронтларига йўл олган ўзбек хотин-қизлари фронт ансамбли елтиз эмасди. Бундан бошқа яна 18 фронт-концерт бригадалари харбу зарб майдонларида Ватан озодлиги учун курашаётган жангчиларимизга маънавий озиқ бериш учун жанглар энг қизиб турган жойларга жўнаб кетардилар. Булар — СССР халқ артисти Тамара Хоним, ўзбек

кистон ССР халқ артисти А. Бойко, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Г. Петровский, Б. Печорин, А. Родин, С. Ибрагимов, РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими О. Воронова, Янгйўл театри директори Собир Азизов, Назарулла Ёзувбеков, А. Ама-сович, Гринев, Д. Воробей-чинова раҳбарлик қилган фронт-концерт бригадалари ва бошқалардир. Мазкур бригадалар кучи билан фронтларда 4 майдан ортиқ концерт қўйиб берилган, минглаб сийсий сўхбатлар ўтказилган.

Жанговар ансамбллар составида талантли сўз усталари Ойбек, Ҳамид Олимжон, санъаткорлардан Г. Исамойлова, И. Оқидов, С. Йўлдошев, Д. Собиркулов, М. Қосимов, С. Габриэлид, А. Малхасян, О. Бежанбек, А. Тўйчиев, Т. Маҳмудова, Т. Иброҳимов, А. Аминова, К. Исмомилова, М. Бурнашова, С. Арзуманова, С. Самандарова, Р. Эрматов, Ш. Ҳамидов, С. Сафарова, К. Алиев, С. Усмонов, Я. Абдуллаева, Р. Абдуллаева, А. Каспарова, Р. Курбон-ова, З. Политишева, Қ. Қодирова, Д. Шерова, Р. Иса-хўжаев, Л. Петросова, В. Мираев, М. Давидов, А. Қодиров, Ф. Солиҳов, Э. Шукруллоев, С. Алиев, М. Шукрамедов, М. Тиллаев, Ҳ. Раҳмонов, Т. Королёва ва бошқа санъаткорлар бор эди. Уларнинг кўчилиги ўз икки биографияларини мазкур ансамблларда бошлашган.

Фронт-концерт бригадалари адресига Совет Армияси командири ва жангчиларидан келган ўнларча мактубларни ўқиб экансиз, ўзбек артистларининг ватанпарварлик ва оқинчоқ ишлари билан ҳақли равишда фахрланасиз. Келинг, яхши мактублардан бири-ни биргаликда ўқиб чиқайлик: «Сизлар санъаткорларинга эмас, матонатли ўзбек аёллари ҳамсиз, ўқлар сели остида бизлар билан баб-баравар жанг майдонларини ўтқиздинг. Рақсларингиз, қўшиқларингиз жанговарлик руҳи билан сугорилган. Сизларга ташаккур». Бу — британск қўшинлари маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. Е. Катковнинг раҳматномаси.


Ҳарчи фронт-концерт бригадалари мудома сафарда бўлсаларда, лекин бу ҳол коллективнинг қолаверса, ҳар бир катнашчиларнинг иккидир активлигига салбий таъсир ўтказмастди. Ансамбль жуда мураккаб фронт шарафларида бой ва ранг-баранг репертуарга эга бўла олдлар.

СОВЕТ жангчилари Ватан ва партия олдида берган ваъдаларини ушундан шарт билан чиқдилар. Ватанимиз осмонда мана сал нам қирқ йилдирки, тинчлик ва фаровонлик қўшиқ балиқиб турибди. Миннатдор аюллардан инсоният бахти учун олиб берилган буюк курашларда ўзбек санъати намоёнларини ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлиқларини хурмат билан хотирлайдилар.

Шерали СОКИН



Ўзининг катта байрамни нишонлашга ҳозирлик қўраётган республикамиз бўйлаб «Тошкентнинг олтин кузи» деб номланган фестивали муваффақият билан давом этмоқда. Иттифоқдош республикалардан ташриф буюрган меҳмонлар ўз санъатлари билан меҳнаткашларни хушиуд этиш ниятида дўбриймизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида катта концерт программаларини намойиш этмоқдалар. **СУРАТЛАРДА:** ана шу байрам катнашчиларидан СССР халқ артисти В. Норейка (Латвия) ҳамда Озарбойжон ССР-да хизмат кўрсатган ашула ва рақс ансамбли рақосаси саҳнада. **С. МАҲКАМОВ** фотолари



«НЕГА СОЗАНДАГА ЭЪТИБОР КАМ?»

Газетамизнинг шу йил 17 август сониде эълон қилинган «Нега созанда эътибор кам?» номли мақола мутахассисларнинг ҳам, газетчиликнинг ҳам диққатини ўзига тортмоқда. Шу мақола мубоабати билан редакция жуда кўп мактублар олмоқда. Қуйида ана шу хатлардан баъзилари билан танишасиз.

Маълумки, ҳозирги кунда халқ чолгу асбобларида ижрочилик санъати ўсиб ва юксалиб бормоқда. Фортепиано, скрипка, виолончель ва бошқа оркестр чолгу асбоблари сингари ўзбек халқ чолгу асбобларини тилишини пухта ўрганиш ҳақиқатан ҳам машаққатли ва доимий равишда иккидир меҳнат талаб қилади.

Ўзбекистон радиоси халқ чолгу асбоблари оркестрининг созандаси Қобилжон Усмонов айтганидек, созандаларнинг иккидир меҳнати тўғрисида гамхўрлик қилиш ва уларни ўз вақтида муносиб баҳолаш, ёш истеъодли ижрочиларнинг маҳоратларини радио, телевидение ва концерт ташкилотлари орқали доимий равишда тарғиб қилиш санъатимизнинг равангичи учун катта йўл очиб бериши мумкин.

Мақолада кўтарилган муҳим масалалар кафедрани йўл-йўлилариде бир неча марта баҳолаб қўрилди ҳамда кизил маълумланди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек халқ чолгу асбобларининг садолари тингловчилар қалбига тез этиб боради. Уларнинг товуш чиқариш усуллари хилма-хил, баъдий ижрочилик жиҳатидан жуда бой. Ҳар бир му-



озилиш осон гап эмас. Албатта, мавқуд куйининг инсонга қанчалик таъсир этиш-этмаслиги созанда маҳоратига бевосита боғлиқ. Шундай экан, мохир созандаларни эътиборлаш, улар номини шарафлаш ҳар биримизнинг инсоний бурими.

Самарқандда ҳам тақдирланган лойиқ созанда-педагоглар бор. Самарқанд Давлат санъат билим юртида кўп йиллардан буюн меҳнат қилиб келаятган Олимбой Раҳмонов, Исмомил Жобиров ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мақола муаллифи тўғри таъкидлаганидек, созандалар меҳнати ўз вақтида рағбатлантириш, молғучилик санъатимиз янада юксалиш сари парвоз этади.


Баҳром МУҲАММАДИЕВ, Самарқанд халқ иккидир уйи директори

«АРМУҒОН» ДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Республикамизнинг кўпгина халқ ансамбллари Иттифоқимизда ва ундан ташқарида ҳам катта довуғ таратиб, ўзбек санъатини тарғиб этишда ҳисса қўшмоқдалар. Шунинг учун бундай ансамбллар иккидир кўриш ортб бормоқда. Андижон областининг Хўжаобод районда ташкил этилган «Армуғон» ашула ва рақс ансамбли ҳам ўзини хос йўлдан боришга интилаган коллективлардан. Ансамбль қисқа вақт ичиде қўшиқ мухлислари қалбидан жой олди. Қатор гастролларини муваффа-

Куйини яратиб, бирова маъқул билсила

Созанда ҳар қандай ансамбль ёки оркестрнинг энг



дан бошқа нарса эмас. Ахир, Замиранинг ўз овози, яхши айтган қўшиқлар бор-ку! Шундай экан, бундай тақлидга не ҳожа? Шу ўринда салбий хусусиятлар бошқа қўшиқчиларда ҳам ураётганини айтиб ўтиш керак. Бизнингча, бу йўл хато. Чунки халқ ҳеч қим катта санъаткорларини айнап тақорлаб, уларга кўр-қўрона тақлид қилиб, яхши натижаларга эришган эмас.

Шу ансамбль қўшиқчиси Муҳаммадхон Халилов ҳам иккидирли хонандалардан. Бироқ шу кун икки этган қўшиқлари тингловчиларнинг гашига теги.

Т. МАДРАҲИМОВА

БИР-БИРИГА .ОШИҚ, ҚИЗЛАР

Жонажов республикамиз санъати гуллаб-гилганган сари ёш хонандалар қўйиқларига. Улар она Ваганининг, фаровон ҳаётимиз, бахт-ниҳод, соф муҳаббат ҳамда жўшиб қуйлаганда ҳамма-нинг ҳаваси келади. Ёш хонандаларнинг қўшиқларини ҳар жиҳатдан баркамол бўлса, янада яхши. Мен бу жуда борада сал гашимага тегаятган бир кусур ҳақида ёзмақдаман.

Кейинги вайтда қизларга қарата дил нахори сифатида айтиладиган қўшиқларини кўпроқ қизлар икки эгадиган бўлиб қолишиди. Улар бир-бирларини дугона сифатида яхши курсе бу жуда соз, лекин узаро ошқинча қилганларини қандай тушуниш мумкин! Ахир, уларнинг бири «Холди!» Вий «Холди!» деб оҳ урса, яна бири «Фаридага муҳаббат нахор этади. Ёш хонанда қизларинидан яна бири севилувчи қиз тўғрисида «Кўнглинг ошмакдир нега?» деб қўшиқ қуйлади. Дуторчи қизлар қўшиқларини сел бўлиб

С. ШАМСИЕВА



Бу тарихий суратларда Улуғ Ватан уруши фронтларида жангчиларга хизмат қилган ўзбекистонлик санъаткорлар акс эттирилган.

ЎЗИКИЧИК, ИЖРОСИ ДИЛРАБО

Ю. Ражабий номидеги мактабгача тарбия музыка педагогига билим юртида, умумтаълим мактабларида ўз санъатини намойиш этиди. Оркестр бутун Гендель ва Вивальдийек қадимий музика усталари, Гайди, Моцарти, Бетховен сингари классик, Кабалевский ва Шчедрин каби совет композиторлари асарларини иккиро этиш имкониятига эга. Шунингдек, симфоник оркестр репертуарига ўзбекистонлик композиторларнинг симфоник асарлари бор. Шу йил февраль залида симфоник музика кечаси ўтказди. Санъатшунос олимлар, маданият ҳамда санъат олий ва ўрта махсус билим юртларидан иборат талабчан томошбинлар ҳузурда катта программда музика асарлари иккиро

МУХТОР АШРАФИЙ номидеги Тошкент Давлат консерваториясининг Виктор Успенский номидеги республика махсус музика мактабиде симфоник оркестр тузилганига икки йил бўлди. Бу билим даргоҳида ҳаётида катта воқеадир. Тўғрисида айтганда, мамлакатайтаганда мавқуд худди шундай ўттизта махсус музика мактабининг ҳаммаи мактабимизнинг оркестр тузишгани йўқ. Бу воқеа — В. Успенский номидеги музика мактабининг бой тарбияга эга коллективини ёш ижрочилар тарбиялашга катта қиёқиш ва ташаббускорлик билан ёндашаётганлигини далилат беради. Мактабда музика сабоги олаётган кўпгина ёш санъаткорлар республика, Ватуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати бўлдилар. Улар орасида Ирина Петрова, Наталья ва Александр Богдасаровлар, Марина Султонова, Марина Сафарова, Владислав Лисовский, Зухра Фабуллаева ва бошқалар бор. Мос-

